Чингизхон боскини даврида турклар (Турон турклари)нинг кўплаб уруг-кабилалари мўгул лашкарларининг тазйики остида Ўрта Осиёни тарк этишга мажбур бўлишади. Улар Кичик Осиёга кадар чекиниб борадилар ва салжукийлар султони кўл остидан панох топадилар. Асосан ўгузлардан чиккан туркларнинг етакчиси Усмон ибн Эртўгрил эди, шунинг учун уларни Усмонли турклар деб аташади. Айнан ўшалар кейинчалик Онадўлига кўчиб келиб, хозирги Туркия давлатига асос солишди. 1299 йили салжукийлар султонлигидан ажраган Усмонлилар ўзларининг мустакил давлатларини барпо килдилар ва то 1922 йилгача олти юз йилдан зиёд улкан салтанатга бош бўлдилар. (К. Э. Босворт, «Мусулманские династии», Москва, 1971 г.).
Турклар биздан борганларни бежизга «ота-юртдан келишган», дея эъзозлашмайди!